

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 658: 336.77(575.1)

АГЗАМХЎЖАЕВ АЗИЗХЎЖА АНВАР ЎҒЛИ

**Истеъмол маҳсулоти ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-
қувватлашда тижорат банклари кредитларидан фойдаланишни
янада такомиллаштириш
(АТБ “Туронбанк” маълумотлари асосида)**

А230102 - Иқтисодиёт (реал сектор)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
и.ф.д., проф. Р.Назарова

Тошкент – 2018

Ушбу магистрлик диссертациясининг янгиллиги, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятида тижорат банклари кредитлари ҳисобига унинг самарадорлигини оширишнинг назарий-услубий ишланмалари яратилиб, унинг асосида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик илмий муаммоларни ҳал қилиш юзасидан хулоса ва илмий тавсиялар ишлаб чиқилди.

АТБ "Туронбанк"нинг молиявий-иқтисодий фаолияти атрофлича ўрганилган ҳамда банк амалиётида истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга кредит беришнинг назарий-услубий асослари тизимлаштирилди:

Ўзбекистон Республикасида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш динамикаси ва бозори статистик маълумотлар асосида кенг таҳлил қилинди. Таҳлилар асосида етарлича хулосалар қилиниб, таклиф ва тафсиялар ишлаб чиқилди.

The novelty of the dissertation for master's degree, the activity of consumer goods producers, has been developed by theoretical-methodological developments in increasing the effectiveness of commercial banks' loans, on the basis of which scientific conclusions and scientific recommendations have been developed on the solution of scientific and socio-economic problems. Specifically: The financial and economic activity of ATF Turonbank was thoroughly studied and systematized theoretical-methodological basis of lending to consumer goods production enterprises in the banking practice. Dynamics and market of consumer goods production in the Republic of Uzbekistan have been widely analyzed based on statistical data. Based on the analysis, proposals and recommendations have been developed with sufficient conclusions.

Магистрлик диссертация иши "Саноат иқтисодиёти" кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. 21 - сонли баённома «30» май 2018 й.

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Р.Назарова

Нозат
имзо

24.05.18
сана

Магистр: А.Агзамхўжаев.

Агзамхўжаев
имзо

24.05.18
сана

"Ҳимояга тавсия этилади"

"Саноат иқтисодиёти" кафедраси
муdiri, доц. И.Хотамов

11 май 2018 йил

Ҳимоя 2018 йил "22" июнь соат 14⁰⁰ да Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

МУНДАРИЖА

	Кириш.....	3
I БОБ.	Истеъмол маҳсулоти ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашда тижорат банклари кредитларидан фойдаланишнинг моҳияти ва назарий–услубий асослари.....	9
1.1.	Истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг назарий –услубий асослари ва унинг моҳияти.....	9
1.2.	Тижорат банкларида истеъмол кредитлари тушунчаси ва уларнинг турлари.....	14
1.3.	Тижорат банкларининг товарларни кредитга бериш бўйича шартномавий муносабатлари	19
	Биринчи боб бўйича хулосалар.....	35
II БОБ.	Истеъмол маҳсулоти ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашда тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш таҳлили ва динамикаси.....	37
2.1.	АТБ “Туронбанк”нинг ташкилий тузилиш, фаолияти, унинг мақсад ва вазифалари.....	37
2.2.	АТБ “Туронбанк”нинг молиявий-иқтисодий фаолияти ва унинг ривожланиш динамикаси.....	44
2.3.	Ўзбекистонда истеъмол товарларига бўлган талаб таркибидаги ўзгаришлар ва тенденциялар.....	54
	Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	61
III БОБ.	Истеъмол маҳсулоти ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашда тижорат банклари кредитларидан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари ва истикболлари.....	62
3.1.	АТБ “Туронбанк”нинг истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш.....	62
3.2.	АТБ “Туронбанк” нинг истеъмол маҳсулоти ишлаб чиқарувчи корхоналарни банк кредитлари орқали қўллаб-қувватлаш истикболлари ва стратегияси.....	69
	Учинчи боб бўйича хулосалар.....	79
	Хулоса ва таклифлар.....	80
	Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....	85

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бозор иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган кичик мулкдорлар синфини шакллантиришга, мамлакатимиз бозорини истеъмол товарлари ва турли хизматлар билан бойитиш имкониятини яратишга, ҳар бир оила даромадини кўпайтиришда ва фаровонлигини яхшилашда, ҳамда янги иш ўринларини яратиш эвазига ишсизлик масаласини ҳал этишга замин яратади.

Тижорат банклари томонидан истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга, хусусан, уларнинг модернизация қилиниши ва технологик янгиланишига молиявий кўмак бериш, замонавий банк хизматлари курсатиш кўламини янада кенгайтириш, аҳолига истеъмол кредитлари турларини кўпайтириш, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳолининг бандлиги таъминланишида, ички истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши ва минглаб оилалар даромадлари ортишида муҳим аҳамият касб этади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури¹да, 2018 йилда мамлакат ички бозорида истеъмол товарлари ва хизматлар бўйича нархларнинг кескин ошишини олдини олиш комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Дастурда:

- ички истеъмол бозорига асосий озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарларининг узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш;
- истеъмол товарлари бўйича юзага келиши мумкин бўлган тақчилликни олдиндан аниқлаш ва бу бўйича тегишли чораларни кўриш;

¹ <http://2018.strategy.uz/>